

БРИГАДИРЛИКНИ ЭЛАМАГАН
РАИС
Журналист суриштируви 4-бет

Долзарб мавзу
ХОРИЖДА
ИШЛАШНИ ИСТАЙМАН
5-бет

МУЛОҲАЗА
«Синглим, болангиз нобуд бўлди», — деди у. Ойниса индамади. «Нима учун?» — деб сўрамади-ям. Ахир у боланини кўтариб қаерга-ям борарди? Ким уни қучоқ очиб кутиб турибди? Ойниса хўрсиниб, юзени девор томонга уғирди. Ҳаётида кечган воқеалар кўз унгидан бирма-бир ўта бошлади...
6-бет

ХАЛҚАРО ҲАЁТ
БОМБАРДИМОН ДАВОМ
ЭТМОҚДА
7-бет

Mustaqillik huquq demakdir

ҲУҚУҚ

12

(275)

YURIDIK GAZETA

Mart					
D	3	10	17	24	31
S	4	11	18	25	
Ch	5	12	19	26	✓
P	6	13	20	27	
J	7	14	21	28	
Sh	1	8	15	22	29
Y	2	9	16	23	30

2003

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan.

E-mail: huquq@Infonet.uz

Баҳорнинг келиши одам зотиغا Аллоҳ берган умрнинг кўп-кўп сирларини англаш, ўз бахтини ўз қўли билан қуриш, ҳаёт ва табиатнинг нафосати ва неъматларидан баҳра олиш учун дунёга келганини яна ва яна бир бор эслатади, бу ҳақиқатни беихтиёр хаёлимизга солади.

(Президент Ислам Каримовнинг Наврўз байрамга бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзидан)



Кулгусида баҳор севинчи.

Абдувоҳид Тўраев олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг
ҚАРОРИ

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 2003 йил 24 апрель кuni Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси

Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 24 март.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига қўйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йилдаги ижроси тўғрисида.
2. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
3. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги тахрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
4. «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги тахрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
5. «Банк сирси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
6. «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
7. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
8. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
9. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

SHU SONGA XABAR

НАМАНГАН вилояти ҳокимлигида Вазирлар Маҳкамасининг «Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш ҳақида»ги қарори ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Бош прокуратура томонидан ўтказилган текширишлар якуни муҳокама этилди. Текширишларда вилоятдаги «Меҳрибонлик ўйи», ақли заиф ва жисмоний ривожланмишида нуқсонли бўлган болалар махсус муассасаларида таълим, соғлиқни сақлаш ва иқтисодий таъминот ҳақидаги ҳужжатларнинг бажарилиши ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва жойлаштириш, уларнинг таъминоти, таълим-тарбия бериш борасида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган хато-камчиликлар таҳлил қилинди.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда барча мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирок этган ушбу мажлисда ёш авлод тарбияси бежизга давлат сиёсати даражасига кўтарилмаганлиги яна бир бор таъкидланди. Йиғилишда қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ЎТГАН ҳафтада Тошкент шаҳар прокуратураси ва ИИБ ҳамкорлигида идораларо мажлис бўлиб ўтди. Йиғилишда муқаддам судланганлар, маъмурий назоратда турган шахслар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш, қасддан баданга оғир шикаст етказиш ва босқинчилик жиноятларининг фош этилиши аҳоли, қидирувдаги шахсларни топши ишлари устидан прокурорлик назорати каби масалалар муҳокама этилди.

Мажлисда пойтахт прокуратураси тергов бошқармаси ходимлари, туман прокурорлари, ИИБ бошлиғи ўринбосарлари, туман ИИБ бошлиқлари ва бошқа масъул ходимлари иштирок этдилар.

Қун тартибидоги масалалар юзасидан шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи А.Мақсудовнинг ахбороти тингланди. Йиғилиш сўнггида тегишли қарор қабул қилинди.

БУТУНАРМИЯ КЕНГАШИ

ЯКИНДА Марказий офицерлар саройида Республика Ҳарбий прокуратураси, Ҳарбий суди, Мудофаа вазирлиги, ИИБ ички ва қорувул қўшинлари, Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси, Миллий хавфсизлик хизмати қўшинлари, «Ватанпарвар» жамияти раҳбарлари, ҳарбий прокурорлар, ҳарбий округ, қисмлар қўмондонлари, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари иштирокида Қуролли Кучларимизни янада ислоҳ қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондонни И.Каримовнинг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» асарида қўйилган вазифаларни бажаришга бағишланган Бутунармия кенгаши бўлиб ўтди.

Йиғилишда юртбошимизнинг ушбу асарида акс эттирилган ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, аскар ва офицерларнинг маънавиятини юксалтириш, уларда қонуларга ва жангвор низомларга ҳурмат руҳини тарбиялаш масалалари юзасидан Мудофаа вазир К.Ғуломов, Республика Езувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Бош прокурор ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори Б.Дехоновларнинг маърузалари эшитилди.

Анжуманда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш бўйича тadbирлар» дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг матбуот гуруҳи



Уйғониш, яшариш ва янгилашни байрами бўлган Наврўзи олам юртимизнинг барча шахар ва туманларидо, кишлоғу овулларидо катта тантана билан нишонланмоқда.

Хоразм вилояти прокуратурасида ҳам Наврўз айёмига бағишланган байрам тadbiri бўлиб ўтди. Прокуратура ходимлари қўхна ва бокий байрамимизни халқимизнинг удум ва анъаналарига риоя қилган ҳолда нишонладилар.

Суратда: байрам тантаналаридан бир лавҳа.

Мактублар Шикоятлар Жавоблар

АКЕ - САДО

«36-МАКТАБДАГИ НОРОЗИЛИК»

«НУҚУҚ», 2003 йил 22 январь, 3-сон

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши мазкур мақолада ўта долзарб муаммо кўтарилганини эътироф этади.

Мақолада келтирилган далиллар юзасидан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ Куйичирчиқ туман ҳокими, туман халқ таълими бўлими мудири, «Пахтабанк»нинг туман бўлими бошқарувчиси ва 36-мактаб меҳнат жамоаси билан учрашди. Туман таълим муассасаларида иш ҳақидан қарздорлик бартараф этилди (Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси раиси З.Э.Кодировнинг жавоб хати илова қилинади).

Республика касаба уюшмалари иш ҳақи тўловларидан қарздорликни бартараф этиш муаммосига жиддий эътибор қаратмоқда. Барча тармоқларда қарздорлик кўлами, энг йирик қарздорликка йўл қўйган қорхоналар бўйича мониторинг йўлга қўйилган.

Қарздорликни бартараф этиш борасида иш берувчилар, маҳаллий ижроия ҳокимият органлари олдига расмий талабномалар қўйиш, суд ва прокуратура органларига muroжаат этиш амалиёти оммавий тус олмақда.

Масалан, 2002 йилда иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш мақсадида мамлакат бўйича касаба уюшмалари томонидан:

- иш берувчилар олдига 2 мингта янги расмий талабномалар қўйилди ва 10 млрд. сўмликдан кўп кечиктирилган иш ҳақи ундирилди;
- маҳаллий ижроия ҳокимият органларига 365 марта muroжаат қилинди ва 7 млрд. сўмлик иш ҳақи ундирилди;
- судларга 99 та даъво аризаси киритилиб, суд қарорларига биноан 2 млрд. сўмлик тўланмаган иш ҳақи ундирилди;
- прокуратура органларига қилинган 126 та muroжаат натижасида 345 млн. сўмлик иш ҳақи ундирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори касаба уюшмаларининг иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорликни бартараф қилиш, ушбу мақсадларда жамоа келишувлари ва шартномалари аҳамиятини кучайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларининг дават томонидан қўллаб-қувватланиши деб ҳисоблаш мумкин. Зеро, мазкур қарорда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали иш ҳақи ўз вақтида тўланиши учун иш берувчилар масъулиятини ошириш чора-тадбирларини қўриш касаба уюшмаларига тавсия этилган. Шу боис, қабул қилинаётган жамоа келишувлари ва шартномаларининг қўлида иш ҳақи тўловлари кечиктирилганлик учун иш берувчиларнинг жавобгарлиги, шу жумладан моддий жавобгарлиги масаласи ақс эттирилмоқда.

Ушбу жараёнда биз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, оммавий ахборот воситалари билан амалий ҳамкорлик қилишга доим тайёризим.

Э.ЎҚУБОВ,
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши
раисининг ўринбосари

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси «Нуқид» газетасининг 2003 йил 22 январдаги 3-сонда эълон қилинган «36-мактабдаги норозилик» мақоласида ҳақиқатан ҳам ҳозирги кундаги долзарб мавзу кўтарилганлигини ҳамда республика касаба уюшмаларининг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш борасидаги фаолиятини янада жонлантиришга туртки бўлганлигини эътироф этади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитасининг масъул ходимлари 36-мактаб жамоаси билан учрашди. Мақолада келтирилган фактлар ўз тасдиғини топди ва ушбу масала юзасидан Тошкент вилояти Куйичирчиқ тумани ҳокимлиги, банк бошқарувиغا muroжаат қилиниб, туман бўйича қарздорликни бутунлай бартараф қилишга эришилди.

Шунингдек, тармоқ марказий кўмитаси, таълим ва фан ходимлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри касаба уюшма кўмиталарида мақола юзасидан тегишли чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди.

З.КОДИРОВ,
Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба
уюшмаси марказий кўмитаси раиси

Газетхон илҳами Тўмарис

Тумарисни ўқиб турибман бузун,
Кўзим қақнаган, дилимда олов.
Негадир тилимга тушиб бир тугун,
Юрагим алданган ёнади лов-лов.
Қаби пок, доно массагет аёй,
Ватаниң душмандан қидаи ҳимоя.
Замонлар ўтса ҳам унинг мардиши,
Бизга жасоратдан сўзлар диқоя.

Мавжуда ЖУМАЕВА,
Қарши педагогика билим
юрти талабаси

Миннатдорчилик

ПРОКУРАТУРА – ҲАМКОРИМИЗ

2003 йилнинг мамлакатимизда Обод маҳалла йили дея эълон қилиниши кўпчилик қатори бизни ҳам эзгу ишларга ундади. Коллежимиз ҳовлисини ободонлаштириб, кишининг ҳаваси келадиган даражага етказишни ният қилган эдик. Тўғриси айтилганда уч-тўрт йилдан бери оқар сув йўқлиги туфайли коллеж ҳовлисидаги боғни кўнглидагидек парвариш қилолмасдик.

Ушбу муаммодан хабар топган туманимиз прокурори Соқижон Дадажонов масалани ижобий ҳал этишда бизга кўмак берди. У кишининг саъй-ҳаракатлари билан коллежимизга оқар сув келтирилди. Умуман айтганда, туман про-

куратураси билан ҳамкорлигимиз бу билан чекланиб қолгани йўқ.

Прокуратура ходимлари коллежимизга келиб талабалар билан ҳуқуқий мавзуда суҳбатлар ўтказиб, қабул қилинаётган янги қонунлар бўйича тўшунтириш бермоқдалар. Ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда бизга кўрсатаётган ёрдами учун прокуратура ходимларига миннатдорчилик билдираимиз.

Комилжон ШАРОҒБОВЕВ,
Бёёвут кишлоқ ҳўжалик касб-хўнар коллежи
директори

ЖИНОЯТ ИШИ КўЗГАТИЛДИ

Қибрай туман прокуратураси фуқаро Дилором Расулованинг Қибрай энергетика касб-хўнар коллежи мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари ҳақидаги аризаси юзасидан текширув ўтказди.

Текширув натижаси бўйича коллежининг мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми «в», «г» бандлари билан жиноят иши кўзгаатилиб, тергов олиб борилмоқда.

А.НАБИЕВ,
Қибрай тумани прокурори

Мададталаб мактуб

АРМОҲ

Мен Қорақалпоғистон Республикаси Кўнғирот тумани Воскобойников кўчасидаги 119-ўйда яшайман. Ушбу ариза орқали шуни маълум қиламанки, шифокор Қ. Давлетбаев ва унинг ўғли Б. Давлетбаевнинг лоқайдлиги туфайли 20 ёшга тўлмаган ўғлим ҳайтдан кўз юмди.

Мен жабранувчи ота сифатида ўғлимни уриб кетган машина ҳайдовчисининг отаси врач бўла туриб ўғлимга ўз вақтида ёрдам бермай, шифокор деган номга доғ тушириганига ачинаман.

Ўғлим Акимийёзов Жонибек 1983 йил 19 апрелда туғилган. Юридик коллежи битирди, Кўнғирот туман прокуратурасида иш ўрганувчи бўлиб ишлаётганди. Олий маълумотли юрист бўлмоқчи эди. Афсуски, ўғлимнинг орзуларини менинг армонимга айлантирдилар.

Ўғлим Жонибек 2002 йил 13 ноябрь кўни кечқурун ишдан чиқиб, ўйга қайтиш учун йўл четида такси қутиб турган пайтида Б. Давлетбаев маст ҳолатда отаси Қ. Давлетбаевга тегишли, техник жиҳатдан носоз автомашинани бошқариб бораётиб, йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиб, уни автомашинасининг олдинги ўнг томони чиқиб, 21 метр ерча суудаб кетган. Кейин ўғлимни шу автомашинада ўз ўйига олиб берган. Орадан анча вақт ўтгандан кейин, яъни ўйига милиция ходимлари келгандан кейингина касалхонага олиб берган. Шунда ҳам лоқайдлик бўладими? Ахир авариядан жароҳат олган инсон учун ҳар бир минут катта аҳамиятга эга-ку!

Сузданувчи Б. Давлетбаевнинг дадаси тергов пайтида «Мен ўғлим ўхлагани кўрпа олиб кетаётган бўлса керак деб ўйладим, унинг машина билан одам уриб кетганини кейин билдим» деб гувоҳлик берган. Наҳотки, кап-катта киши одам билан кўрсатган фарқига бормаган бўлса? Улар биринчи ёрдам кўрсатганларида ёки дарҳол «тез ёрдам» чақирганларида балки ўғлим Жонибек тирик қолармиди?

Авария касалхонанинг ёнгинасида бўлган, Баҳодир ўғлимни уйдан кўра касалхонага олиб борганида ўғлим ўлмаас эди. Чунки мурдасини кўрдим, ҳеч қаериди ҳавфли жароҳат йўқ, шуниси менга армон бўлиб қолди.

ИШ ҲАҚИ ТўЛАНДИ

Ангор туман Қорасув ширкат ҳўжалигида яшовчи фуқаро Х.Умбаровнинг аризаси туман прокуратураси томонидан текширилди.

Текширишда «Қорасув» ширкат ҳўжалиги маъмурияти Х.Умбаров ва фарзандларининг 2002 йилги 228.534 сўм иш ҳақини ўз вақтида тўламаганини аниқланиб, туман прокуратурасининг аралашуви билан мазкур маблағ тўлиқ ундириб берилди.

Ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Ф.Ўзбойев ва бош ҳисобчиси Н.Қўлимураев Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги 504-қарори талабларини бузганлиги сабабли, уларга нисбатан МЖТКнинг 49-моддаси билан маъмурий жавобгарликка доир иш кўзгаатилиб, ижро қилиш учун туман меҳнат бўлимига юборилди.

А.КўЗИМУРОДОВ,
Ангор туман прокурори

ТАХРИРИЯТДАН:

Музработ туман Ҳаким Термизий маҳалласида яшовчи О.Жумаеванинг 2002 йилги пахта йиғим-терими учун иш ҳақини ололмаётганлиги хусусида ёзган аризаси юзасидан бизга туман прокурори Д.Абдурахмонов ҳам жавоб йўллаган. Унда шикоятчининг 42.000 сўмлик иш ҳақи 18 февраль кўни «Жума бобо» фермер ҳўжалигидан ундириб берилганлиги айтади.

ҲАЙФСАН БЕРИЛГАН

Ҳурматли Бош муҳаррир!
Сизнинг топшириғингизга асосан фуқаро Н.Рамазоннинг тахририятга йўллаган аризаси юзасидан суриштириш ўтказдим.

Маълум бўлишича, Н.Рамазон Денов туман ИИБ профилактика инспектори Д.Каримовнинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, бир қанча вилоят, республика органларига ариза билан muroжаат қилган.


Ушбу аризалар бўйича Денов туманлараро прокуратураси томонидан терговолди текшириш олиб борилиб, ЖПКнинг 83-моддаси 2-банди билан Д.Каримовга нисбатан жиноят иши кўзгаатиши рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган. Бироқ унинг ҳаракатларида интизомий жавобгарлик аломатлари бўлганлиги учун ўнга нисбатан интизомий жавобгарликка доир иш кўзгатилган ва Денов туман ИИБ бошляғининг буйруғига кўра ҳайфсан берилган.

У бошқа вазифага ўтказилган.

Мазкур қарорнинг қонунийлиги вилоят ва Республика Бош прокуратураси томонидан ўрганилиб, асосли деб топилган.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ,
«НУҚУҚ»нинг Сурхондарё вилояти
бўйича муҳбири

Саҳифа материалларини
ХАСАН таяёрлади.



HUQUQIY DAVLAT SARI

Ўзбекистон Олий Мажлисининг иккинчи чақир... Ҳуқуқий давлат сари

Маълумки, икки палатали парламентни ташкил... Ҳуқуқий давлат сари

Қонунчилик палатасининг ваколат муддати 5... Ҳуқуқий давлат сари

азбоси бўлишига йўл қўйилмайди. Қонунчилик... Ҳуқуқий давлат сари

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТ

нишлари мумкин эмас.

Ўз навбатида Сенат аъзосига нисбатан ҳам... Ҳуқуқий давлат сари

Сенат Ўзбекистон Олий Мажлисининг ҳудудий... Ҳуқуқий давлат сари

тенг миқдорда — олти кишидан сайланади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат... Ҳуқуқий давлат сари

Қонунчилик палатасининг раҳбари депутатлар... Ҳуқуқий давлат сари

умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланадиган... Ҳуқуқий давлат сари

Сенат тўғрисидаги қонунда эса сенат раиси ва... Ҳуқуқий давлат сари

Шунингдек, иккала қонунда ҳам ҳар иккала... Ҳуқуқий давлат сари

Сенат раиси Ўзбекистон Президентининг тақдимига... Ҳуқуқий давлат сари

Айни вақтда икки палатали парламентни ташкил... Ҳуқуқий давлат сари

Б. ҚОРАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг кадрлар бошқармаси прокурори

— Бу фуқаронинг давлат олдидаги қарзи деганда нима тушунилади?

— Биринчидан, базавн фуқаронинг хорижга... Ҳуқуқий давлат сари

4) номзод юқорида кўрсатилган сугурталаш... Ҳуқуқий давлат сари

— Хорижий давлатда иш билан таъминланган фуқаролар шартномани бузган ҳоллар ҳам мавжудми? Агар мавжуд бўлса, бундай ҳолатда қандай чора кўрилади?

— Хорижий давлатларга ишга юборилган фуқаро маълум бир миқдорда пул тўлаши лозим. Ушбу тўлов қандай мақсадларда ишлатилади?

— Бугунги кунда Жанубий Кореяга ишга юборилган фуқаро маълум бир миқдорда пул тўлайдиган пул, энг аввало пул фуқарони мазкур давлатга юборишдан олдин ўқитиш, тиббий кўриқдан ўтказиш, республикамиз вилоятларидан келганларни эса ётоқхона билан таъминлаш, шунингдек мазкур давлатга бориш авиачиптасини харид...

— Мустақиллик шарофати билан ҳозирги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун хорижий давлатларда бўлиш, меҳнат қилиш имкониятлари туғилди. Лекин гоҳида бу имкониятни суистемол қилиш ҳоллари рўй бермоқда. Масалан, ишга бораётган фуқароларимиз орасида белгиланган иш жойидан қочиб, бошқа иш берувчи билан келишиб, ноқонуний равишда ишга жойлашиб олиш ҳоллари учраб турибди. Бу ўз навбатида ноқонуний равишда иш берган ташкилотни ҳам, ишга ёлланаётган фуқарони ҳам турли хил ҳидослардан сугурталаниш имкониятидан маҳрум этади. Бундай ҳолатда бирон-бир кўнгилсиз ҳодиса юз берса бу фуқаронинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳеч қандай ташкилот ёрдам бера олмайди ва у ўша давлат қонунлари бўйича жавобгарликка тортилади.

— Узингизга маълум, хорижга ишга боришни истовчилар сонига келинги йиллар ичда бирмунча ортиб бормоқда. Шу жиҳатдан олганда кўпчилик фуқароларимиз хорижга чиқиб мустақил равишда ишга жойлашиб йўлларини изламоқдалар. Бунга муносабатингиз қандай?

— Албатта, бундай ҳолатлар бугунги кунда учраб турибди. Бунда фуқаролар чет давлатларга туристик йўллар билан чиқиб кетиб ишга жойлашшга ҳаракат қилишмоқда. Юқорида айтганимдек, бирон-бир ҳодиса юз берса, уларни ҳимоя қилишга жуда катта қийинчиликларга дуч келинади. Шунинг учун кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида хондоридан четга чиқмаслик лозим деб ҳисоблайман.

Сухбатдош: Дониёр ХАЛИЛОВ, «HUQUQ» муҳбири

DOLZARB MAVZU

рацияси масалалари агентлиги Малайзия, Япония, Саудия Арабистони, Жанубий ва Шимолий Корея давлатлари билан Ўзбекистон фуқароларини касб-хунар ўргатиш ва иш билан таъминлаш бўйича шартнома тузган.

— Хорижга ишга бориш истагида тегишли ҳужжатларни топширган айрим фуқаролар уч-тўрт йилдан буён бу масала ҳал этилишини кутаётганми, лекин айни пайтда баъзи фуқаролар жуда қисқа мuddатда ишга кетаётганлигини билдиришмоқда. Бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин?

— Бу ҳолат тўғридан-тўғри бизга боғлиқ эмас. Чунки хорижий давлатларда меҳнат қилиш истагини билдирган фуқароларнинг юқорида айтиб ўтилган тартиб-қоидалар бўйича тегишли ҳужжатлари тайёр бўлган, уларни биз иш берувчи давлатга унинг Ўзбекистондаги элчихонаси (ваколатхонаси) орқали юборамиз. Юборилган ҳужжатлар учун тўлов қилиш истагини билдирган фуқароларнинг ҳужжатларини кўриб чиқилганидан сўнг, иш берувчи ташкилот бу шахсни иш билан таъминлаш ёки уни рад этиш тўғрисида ҳулоса беради. Агарда у ёки бу шахсининг муҳожати қаноатлантирилса, унда бу шахсга ўша давлатга бориш учун тегишли тартибда виза берилади. Лекин визанинг берилиши бу шахс мазкур давлатга ишга, касб ўрганишига юборилади дегани эмас. Яъни, талабгор виза олганидан сўнг Ўзбекистонда белгиланган тартибда тиббий кўриқ, таълим дастури бўйича тайёргарликдан ўтиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, юқорида айтилган тартиб-қоидаларни бажарилиши шарт.

ИШЛАШНИ ИСТАЙМАН

— Ушбу тартиб талаблари нима-лардан иборат?

— Мисол учун, Жанубий Корея иш берувчиларининг шартларига кўра, ушбу мамлакатга ишга борувчилар 25-45 ёшдаги, ҳарбий хизматни ўтаган, соғлом, олий маълумотга эга бўлмаган, касби бўйича иш тажрибаси бўлган, муқаддам судланмаган Ўзбекистон фуқароси бўлиши шарт.

— Хорижий давлатга ишга юборилаётган шахс истайдими ёки йўқми, ўша давлат тили, урф-одати ни билмаслиги сабабли маълум тўсиқларга учраши табиий. Бу каби ҳолатнинг олдини олиш учун бирон чора-тадбирлар кўрилади?

— Албатта. Бунинг учун Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигини хорижга кетишидан олдин талабгорларни мослаштириш ва ўқитиш бўли-

ми мавжуд. Ушбу бўлим томонидан ўқув курслари ташкил этилган бўлиб, унда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси қолдидаги таълим маркази ўқитувчилари хорижга кетаётган фуқароларимизни танловдан ўтказиб, корей халқи урф-одатлари, тили, географияси ва Корея давлатининг бошқа шу каби жиҳатлари юзасидан дарс беришида. Бундан ташқари номзодлар кетишидан бир кун олдин ўқув марказида агентлик раҳбарияти томонидан агентлик ва номзод ўртасида тузилган шартнома шартлари юзасидан яна бир бор суҳбатдан ўтказилади.

— Масалан, Жанубий Кореяга юборилаётган фуқаро маълум бир миқдорда пул тўлаши лозим. Ушбу тўлов қандай мақсадларда ишлатилади?

— Бугунги кунда Жанубий Кореяга ишга юборилган фуқаро маълум бир миқдорда пул тўлайдиган пул, энг аввало пул фуқарони мазкур давлатга юборишдан олдин ўқитиш, тиббий кўриқдан ўтказиш, республикамиз вилоятларидан келганларни эса ётоқхона билан таъминлаш, шунингдек мазкур давлатга бориш авиачиптасини харид...



қилишга сарфланади. Жумладан, ҳар бир фуқарога кетишидан олдин бериладиган махсус кийим-бош ҳам шу сумма ичига киради.

— Ишга юборилаётган фуқаронинг ҳаёти ва соғлиги бирон-бир тарафдан сугурта қилинади?

— Масалан, яна Жанубий Кореяга тўхталадиган бўлса, бу ерда ишга юборилаётган номзоднинг хошияига кўра сугурталаниши қўйидаги турлари амалга оширилиши мумкин:

- 1) ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан сугурталаниш. Бунда сугурта бадалларини тўлалигича иш берувчи тўлайди;
2) тиббий сугурта. Бунда сугурта бадалларининг 50 фоизи номзод томонидан, 50 фоизи иш берувчи томонидан тўланади;
3) ўз ҳаётини сугурта қилдириш (иш-

Тахририятимизга кейинги пайтларда хорижий мамлакатларга ишга бориш, касб ўрганиш учун нима-лар қилиш кераклиги, шунингдек, бу борада тегишли идораларга муҳожат этилганида муаммоларга дуч келинаётганлиги юзасидан муҳожат этувчилар сони кўпайиб бормоқда. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда хорижда ишлаш истагида юрган ёшларимиз кўп. Лекин улар амалдаги қонун-қоидаларни яхши билмаслиги оқибатида баъзи тўсиқларга дуч келишаёпти. Ҳўш, бу масалалар аслида қай тартибда амалга оширилади? Биз шу ва шунга ўхшаш саволлар билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг фуқароларни чет элда ишлашга ёллаш ва ишга жойлаштиришни ташкил этиш бюроси бошлиги Баҳром Абдурахмоновга муҳожат этидик.

— Бугунги кунда мамлакатимиз фуқароларининг хорижий давлатлардаги меҳнат фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 апрелдаги 162-қарори асосида амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, 2002 йил 29 ноябрь кунги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 173-буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон фуқароларини Корея Республикасига касб-хунар ўрганиш ва ишга юбориш учун танлаш ва тайёрлаш қоидалари» қабул қилинди. Ушбу қоида Корея Республикасида касб-хунар ўрганиш ва ишлаш истагини билдирган фуқароларни ҳисобга олиш, уларга корейс тилини ўргатиш, тиббий кўриқдан ўтказиш, иш ўрганиш ва иш билан таъминлаш учун мазкур давлатга йўлланганин мезон ва талабларига мувофиқ тегишли ҳужжатларни шакллантиришни кўзда тутди. Унга кўра, бугунги кунда хорижда касб ўрганиш ва ишлаш истагини билдирган фуқаролар Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг Қорақалпоғистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва агентлик вакиллари томонидан рўйхатга олинмоқда.

QONUN BARCHAGA BAROBAR

«Карвон кўп, ризки бўла» деганларидай, бу дунёда кимирлаган жон борки, ризкини териб юрибди. Ҳар ким насибасини ҳар йўсинда терар экан, биров экади, кимдир ўради, яна биров ўша нарсаларни сотади. Хуллас, ҳар кимнинг ўз вазифаси бор. Носир ака «Атир-упа» дўконининг ортидан бировдан кўп, бировдан кам дегандай ризкини териб юрган эди.

Шундай кунларнинг бирида, аниқроғи 2001 йилнинг 10 ноябрь куни унинг дўконига Бахтиёр Исмоилов бошчилигида солиқчилар кириб келишади. Дўкондорнинг ҳужжатларида «озгина» камчилиги бор экан чоғи, югургилаб қолади. Текширувчиларга эса худди шу керак эди. Улар кўлларини бизга қилиб сифат сертификати бўлмаган товарларни кўрсатиб, ҳужжат тўлдирини бошлашади. Агар бу товарлар мусодара бўлса, бунинг устига жарима ҳам тўласа анча пулга тушишини яхши билган дўкондор аввалига «бу товарлардан ҳамма дўконларда бор, сертификати бўлмасамиз муддатга ўтмаган» деб нарчамади. Фойдаси бўлмагач, «келишамиз»га ўтди. Шунинг кўли билан Б.Исмоилов гапни чўзмай, 200 АҚШ долларини эвазига ишни «босди-босди» қилишини айтиб қўя қолди. Бунинг устига бир йил уни солиқчилар безовта қил-

«МУРОСАСОЗ» ТАФТИШЧИЛАР

маслиғига қафолат ҳам бериб юборди. Гапининг тасдиғи сифатида ўзининг Юнусобод туман ДСИ бошлиғи муовини эканлигини айтиб ўтди.

Томонлар «келишиди». Носир ака ишининг кейин ҳам шу одамга боғлиқлигини тушуниб, «мурасасоз» тафтишчига айтилган миқдордаги пулни тўғрилаб берди.

Лекин муовин сўзида турмади. Орадан тўрт ой ўтиб, 2002 йил 6 март куни дўконни яна ДСИ ходимлари «босишди».

Бу гапни текширувчилар туман ДСИ инспекторлари Азамат Матризаев ва Дмитрий Уразаевлар эди. Улар ҳам дўконда касса аппаратида бор фойдаланиш қоидаларига қандай амал қилинишини, товарлар-

нинг сифат сертификати бор-йўқлигини обдон текширишади. Камчилик ва қоидабузарликлар аниқланган сайин текширувчиларнинг иш-таҳаси очила боради. Нима мақсадда текшириш ўтказётганларини ҳам унутиб, таъмагирлик қила бошлайдилар. Дўкондор эса уч-тўрт ой олдин дўконни Б.Исмоилов тек-

бўлди. Пулни шу вақтнинг ўзида тўғрилаб берди. Текширувчилар совга учун эртага келадиган бўлишди. Эртасига келган Азаматнинг ҳафсаласи пир бўлди. Сўнг жаҳли чиқиб, қонуний чора кўриш учун ҳужжатлар нусхаларини олиб чиқиб кетди. Сабаби, дўкондор шундо-

ОЗОДЛИККА ЧИҚАРИЛДИ

Рейтер агентлиги АҚШнинг Кубадаги Гуантанамо лагеридан 19 нафар толиб озод этилганлиги тўғрисида хабар тарқатди.

Афғонистон президентининг матбуот котиби бу хабарни тасдиқлаб, собиқ асирлар Кобулга етиб келганлигини айтди. Унинг сўзларига кўра, афгон ҳукумати улар устидан қўшимча тергов ўтказиш ниятида эмас ва келганларнинг барчаси ўз уйларига қайтади.

Айни пайтда Гуантанамода толиблар билан алоқадорликда гуноҳ қилиниб 600 дан зиёд киши ушлаб турилибди. Бултур уларнинг уч нафари озодликка чиқарилган эди.



УРУШГА ҚАРШИ

«Ал-Жазира» (Қатар) телеканалининг хабар беришича, шанба куни Бахрайин поймахти Манама шаҳридаги АҚШ элчихонаси ҳудудида кучли портлаш юз берган. Ходиса тафсилотларни ҳозирча ошкор қилинмапти.



Шу ўринда айтиш жоизки, жума куни шаҳарда Ироқдаги урушга қарши оммавий намойиш бўлиб ўтиб, қони қайнаган кишилар Америка элчихонасини эгаллашга уринишган, бироқ полиция томонидан тўхтатилган эди. Худди шу куни Йаман поймахтида ҳам урушга қарши намойиш бўлиб, полиция ўқотар қуроллардан фойдаланишга мажбур бўлган эди. Оқибатда тўрт киши ҳалок бўлган, тўққиз нафари яраланган.

ТОПҚИРЛАРГА МИЛЛИОН РУБЛЬ

Ўзининг фуқаролик қарашларини ифода этган россияликларга давлат Думаси депутати Сергей Юшенков икки юздан миллион рублгача беришни ваъда қилапти. Бунинг учун россияликлар «Коммерсант» ва «АиФ» гезаталарида эълон қилинган анкетани тўлдириб, жўнатишлари керак.

Юшенковнинг «Бу менинг номзодим» номли ушбу акцияни ўтказишдан мақсад халқ ишончини қозонган ўн нафар номзоднинг рўйхатини тузишдир. Анкетага биринчи бўлиб жавоб йўлаган 250 минг нафар киши 200 рублдан мукофот олади. Ушбу тадбир якунида анкеталарда номи энг кўп тилга олинган номзодлар рўйхати тузиб чиқилади. Рўйхатдаги фамилияларни тартиб рақами бўйича тўғри топган кишиларга миллион рубль тақсимлаб берилади. Тартиб рақамига риоя қилинмаса-да, фамилиялари тўғри топган кишиларга ҳам бир миллион бўлиб берилади. Дастлабки учта номзодни тартиб бўйича ва тартибсиз равишда ҳам тўғри топганларга эса 500 минг рубль бўлиб берилади.

БОМБАРДИМОН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шу кунларда бутун дунё жамоатчилиги Ироқ ва унинг тевааригада юз бераётган воқеаларни диққат билан кузатиб турибди. БуюкБританияга қарашли Sky News телеканалининг хабар беришича, душанба куни эрталаб Ироқ поймахти Бағдод шаҳрида кучли портлашлар юз берган. Пойтахтнинг йирик объектларига ҳаводан зарба берилган. Гувоҳлар шаҳарни бомбардимон қилиш бошланганидан бери бу портлашларнинг энг йиригидир демокдалар.

ВАҚТИНЧАЛИК ЧОРА

Ҳарбий асир мақоми берилган қирққа яқин ироқлик АҚШнинг Форс кўрфазидига кемаларида сақланмоқда. Бу ҳақда Бахрайнда чиқадиган газеталардан бирида хабар берилади. Илгари ҳам америкаликлар Афғонистондаги урушда асирга олинган толибларга нисбатан шундай чорани кўллаган эдилар. Улар Кубадаги асирлар лагерига жўнатилишдан олдин маълум мuddат ҳарбий кемаларда тутиб турилган. АҚШ ҳарбийларида олинган хабарларга кўра, ироқлик асирларга толиблар сингари муносабатда бўлинмапти. Чунки уларга ҳарбий асир мақоми берилган бўлиб, бу тоифадаги асирлар Женева конвенцияси ҳимояси остидадирлар.

ТАШТИШЧИЛАР

Ҳам кўпга тушиб кетаётганини айтиб, совга бермаслигини айтган эди.

Вазиятнинг бунақа тус олишини кутмаган Носир ака ДСИ идорасига бориб, тўлаши лозим бўлган жарима миқдорини камайтириб беришни сўраб яна Азаматга учрашган. Азамат яна пора сўраганидан сўнг, дўкондор МХХ ходимларига мурожаат қилишга қарор қилди.

Шу тариқа уч нафар «мурасасоз тафтишчи» ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Фазлиддин ЭШОНҲУЖАЕВ, Ташкент шаҳар прокуратурасининг бўлим катта прокурори

ЧЕЧЕНИСТОНДА РЕФЕРЕНДУМ

Россия оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, Чеченистонда мамлакат конституцияси ва бир қатор қонуларни қабул қилиш юзасидан референдум муваффақиятли ўтказилган. Республикадаги 416 сайлов участкасининг 32 тасидан олинган дастлабки маълумотларга кўра, овоз берганларнинг 96,04 фоизи «Сиз Чеченистон Конституциясини қабул қиласизми?» деган саволга ижобий жавоб берган.

ҚЎШНИНИНГ ТИНЧЛИГИ

Халқимизда «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган мақол бор. АҚШ ва иттифоқчиларнинг ҳужумидан нафақат ироқлик тинч аҳоли, балки қўшни мамлакатлар аҳолиси ҳам жабр чекмоқда.

Хабарларга қараганда, америкаликлар учирган иккита Tomhawk маркали қанотли ракета нишонга тегмасдан Туркия ҳудудида бориб тушган. Пентагон вакили ракета-лар Туркиянинг аҳолиси кам ҳудудида портлаганини тан олиб, жабрланганлар ҳақида ҳеч қандай хабар олинмаганлигини айтиётган бўлса-да, ушбу ҳодисанинг ўзи барчани бирдай ҳушёрликка ундаши турган гап.

ВЕРТОЛЁТ ҲАЛОКАТИ



Маълумки, айни пайтда дунёдаги кўпгина мамлакатлардаги сингари Афғонистонда ҳам АҚШ тинчликпарвар кучлари сақланмоқда. Яқшанба куни Афғонистон ҳудудида АҚШ армиясига қарашли Black Hawk вертолётни ҳалокатга учради, дея хабар беради Рейтер агентлиги. Маълумотларга қараганда, вертолёт бортидаги 6 киши ҳалок бўлган. Мазкур ҳодисага изоҳ берадиган, Марказий қўмондонлик вакили ушбу ҳалокатга душманона хатти-харакатларнинг ҳеч бир алоқаси йўқлигини айтган. Вертолёт санитар рейсини бажараётган эди.

НУҚУҚ

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar:
O'zbekiston Respublikasi
Bosh prokuraturasi,
Toshkent shahar va
Toshkent viloyati
prokuraturalari,
«Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:
Abduxoliq
ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir Sharofboyev
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Hasan Inoyatov,
Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan.
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34.
Reklama va e'lonlar: 133-82-34
E-mail: huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi.
Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3149
Nusxasi — 20108
Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi
Nabatchi muharrir: J.SHAROFBOYEV
Musahhib: F.MAMASHARIPOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 7 8
Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00
Bosmaxonaga topshirildi 17.00

XUSHABAR

ЎЗБЕК ФИЛЬМИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Гатчина шаҳрида бўлиб ўтган «Адабиёт ва кино» фестивалида таниқли ўзбек режиссёри Юсуф Розиковнинг «Ўртоқ Бойкенжаев» фильми Россиянинг «Культура» газетаси совринига лойиқ деб топилди. Аммо «Ўзбекфильм» киностудияси раҳбарининг ўзи ушбу анжуманда қатнаша олмади. Киносарни ҳақамлар ҳайъатига унинг дўсти — актёр ва фильмнинг иккинчи режиссёри Фотиҳ Жалолов тақдим этди. Унга рақамли фотокамера ва фестивалнинг «Қутилмаган материалда кичик одам тимсолини яратиб адабий аънанасини давом эттирганлиги учун» дипломи топширилди. Бундан ташқари «Ўртоқ Бойкенжаев» фильми жури томонидан «Ҳамма нарсани қамраб олувчи сатира учун» дипломига ва Россия кинотанқидчилар гилдияси дипломига сазовор бўлди. Фильм бир ой давомида Тошкентдаги энг катта кинотеатр экранидан тушмади.

Сунгра Бокудаги «Шарқ-Ғарб» фестивалида намойиш этилди. Уйлаймизки, «Ўртоқ Бойкенжаев» МДХ ва Болтиқбўйи давлатларининг энг ахши фильми учун бериладиган «Ника» мукофотининг асосий даъвогарларидан бўлади.

P.S.
Бундан уч-тўрт йил аввал ёзувчи Абдуҳалиқ Абдуразақов сценарийси асосида суратга олинган «Ўртоқ Бойкенжаев ва бошқалар» видеофильми (режиссёр — Ф. Раҳматуллаев) Республика телевидениеси орқали муваффақиятли намойиш этилган эди. Ушбу киносценарий «Ўртоқ Бойкенжаев» бадиий фильмининг ҳам ҳамиртуруши бўлди. Шунинг учун маъзур фильм муаллифларидан бири бўлмиш А. Абдуразақовни ҳам «Ўртоқ Бойкенжаев»нинг янги муваффақияти билан қўлаймиш.

BU AJIB DUNYO

ОЛОВ БИЛАН ҲИНАШМАНГ

«Оташнафас инсон» деган ибора баайни Буюк Британиянинг фуқароси Рег Моррис ҳақида айтилгандек. 1986 йилнинг 29 октябрида у Чейстаун шаҳрида озғидан узунлиги 9,4 метрли оловни пуфлаб чиқарди. Орадан икки йилча ўтиб, 1988 йилнинг 25 июнида эса Моррис икки соат давомида 22888 донна машъалани озғига суқиб ўчирди. Бу Буюк Британиянинг Уолсгалл шаҳридаги Йитри мактабида содир бўлди. Аёллар ўртасидаги худди шундай рекорд эса австралиялик Сипра Эллен Ллойдга тегишли. 1986 йил 26 июль куни у Порт Лонсдейл шаҳрида 8357 донна машъалани озғига суқиб ўчира билган.

Рекорд рекорд билан-ку, аммо Моррис ҳамда Эллен Ллойдларнинг натижасини забт этишга ҳаракат қилиб ўтирмаган тагин. Оғоҳ бўлинг: олов билан Ҳинашиш, хусусан, уни озғига суқиб ҳаёт учун хавфлидир.

ISHQ MADHI BU

Алишер НАВОИЙ

*Қатиқ дардим зулоли ашк этар фош,
Сузук сув ичра қолмас ёшурун тош.*

*Ҳалоким васл аро мингдин бир этгин,
Ки бергай тенгери бир ёшинга минг ёш.*

*Демакка фитна таълимин бўлуд ҳам,
Қулогинг сори бош элтибтур ул қош.*

*Магар сочинени тийдинг фитнадинким,
Паришонқол аёнгинга қўяр бош.*

*Ясар чоғда лабинг рангини гўё,
Эзибтур оби ҳайвон бирла наққош.*

*Қадаҳ, эй муғки, жсон айлай нисорин,
Неча бўлсам харобат ичра қаллош.*

*Навоий жони сенсиз дардисардур,
Борурда они ҳам олғай эдинг кош.*

ДОНОЛАР ҲАМИШКИ...

Ўзингга нисбатан кишилардан қандай муомалани кутсанг, уларга нисбатан ҳам худди шундай муомалада бўлсин.

Имом ҒАЗЗОЛИЙ

Ота-онанинг ризиқини олиш фоний дунёда иззат, оҳиратда эса нажот келтирур.

Ҳазрат Абу-Бақр СИДДИК

Яхшиликни ҳеч кимдан аяма. Қўшинингга яхшиликнинг эса барчасидан авлодир.

Мужаҳид Алиф СОНИЙ

Бошга қулфат тушганда сабр қилиш энг олий ибодатлардан биридир.

Ҳазрат АКРАМ

KINO TAQDIM «ЖУМБОҚ»

МАМЛАКАТИМИЗ ЭКРАНЛАРИДА

Яқинда «Ўзбектеелефильм» студиясида иқтидорли ҳуқуқшунос, шоир ва ёзувчи Исмаилов Илдошевнинг сценарийси асосида суратга олинган «Жумбоқ» бадиий фильмининг тақдими бўлиб ўтди.

Анжуманда фильм ижодкорлари, санъат арбоблари, ёзувчилар, жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Фильм сценарийсига ўтган асрнинг 90-йилларидаги воқеалар асос қилиб олинган. Гарчи қаҳрамонлар образлари умумлаштирилган бўлса-да, муаллиф кўплаб тарихий ҳужжатларга суяниб иш қўрганлиги фильмининг янада қизиқарли чиқишига сабаб бўлган.

Киноасар жамиятдаги иллатларни фош қилиш, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, қонунчиликни тарғиб қилиш масалаларига бағишланган.

Фильм асосан Самарқандда суратга туширилган бўлиб, унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Аҳмедов режиссёрлик қилган. Оператор — Марат Солиев.

Тақдимот маросимида иштирок этган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, бастакор Энмарк Солиҳов, фан докторлари Жўра Тешабоев, Сабоҳат Ҳайитметова, студия бош директори Мирзааҳмад Олимов, бадиий кенгаш аъзолари Баҳодир Абдуллаев, Мирзапўлат Тошпўлатовлар фильмининг бадиий савияси ва аҳамияти хусусида фикрларини билдирдилар.

Фильмда Ўзбекистон халқ артистлари Хожиакбар Нурматов, Саидкомил Умаров, Муҳаммадсоли Юсупов, Гулнеча Саъдуллаева, актёрлардан Алишер Ҳамроев, Фахрулла Масъудов ва бошқа истеъдодли ёшлар суратга тушишган.

«Жумбоқ» тез кунларда мамлакатимиз кинотеатрларида намойиш қилинади.



— Юр, уйга кетамиз... А.ТўРАЕВ олган сурат

FOYDALI MASLAHATLAR

Рухий хасталикнинг антика тури билан бетоб канадалик Х. хоним воқеаси айниқса қизиқ. Унинг одати нимаики буюм учраса, дарров озғига қотиб ютиш бўлган. 42 ёшида аёл қорни тинимсиз санчиб оғришдан нолиган. 1927 йилнинг

Агар ванна тубидаги тижин сувни ушлаб туролмаса, унга эски резина кўлпак ёки бўлмаса ёрилган пуфак бўлагини кийгизинг. Сув оқиши тўхтайд.

Агар занжирли ёпқич (молния) кирланса ёки қийинчилик билан ёпилса, уни эски тиш чўткаси билан тозалаб, эҳтиёткорлик билан шам суринг.

Эшикдаги калит қийинчилик билан буралса, у калитга совун ёки шам суринг.

Янги сотиб олинган қаттиқ тиш чўткасини юмшатиш учун уни бир неча соат бир қошиқ туз солинган сувга солиб қўйинг.

Агар уйингиздаги меҳмонлар хонада чекишса, шам ёқиб қўйинг: шам алангаси ҳавони бирмунча тозалайди. Шам бир текисда ёниши учун пилик ёнига бир неча донна туз ташлаб қўйинг.

	Иссиқ шамол	Фан	Ёғ тури	
			Озғин	
Арфа	Самолёт, Вертолёт	Шифобахш иччиллик		Тоғ қуши
		Овчи		Футболчи «Нефчи»
	Киш	Эркақлар исми		Самолёт
		Жаллод		Ички қалъа
		Ҳасис		Нота
	Уй ҳарёрони	Машинанинг асоси		
Ўқ отиш жойи	... чир		Кема ошпази	
			Дарё Россия	... Норрис
	Штат АКШ			
Катта қон тонир	Асло			

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ

O'QING, QIZIQ

«НАФСИМ ЎЛГУР БАЛОДИР...»

июнь ойида Онтарио шаҳрида Чок ва Фукар исмли жарроҳлар томонидан аёлнинг қорни ёриб қўрилган. Ошқозонидан жами 2533 донна буюм, шу жумладан, 947 та тўғноғич чиқариб олинган.

Худди шунга ўхшаш воқеа 1985 йилнинг май ойида ҳам содир бўлди. Жанубий Африканинг Кейптаун шаҳридаги «Гроот Шуур» касалхонасига оғир аҳволда келтирилган эркақнинг ошқозонидан 212 донна буюм топилди. Ушбу буюмлар орасида 53 та тиш ювадиган чўтка, 2 та телескоп антеннаси, 2 та устара ва 150 донна бир марта фойдаланиладиган соқол олиш мосламаси бор эди.

АҚШда эса куйидаги жуда аломат воқеа содир бўлган: 24 яшар руҳан хаста бир бемор аёл узунлиги 12,7 сантиметрли ашиқ лүкидонини ютиб юборган. Қизиги шундаки, темир лүкидон аёлнинг ўн икки бармоқли ичагидан бемалол ўтиб, ошқозон ҳамда овқат ҳазм қилувчи бошқа ичаклардан ҳам йўл топиб, тушган ва у ўтирган чинни тувакни чил-чил қилган.

*Иродат бўлмаса,
савдат излама,
Риёзат чекмайин
ишобат излама.*

Майя САВЪДИЙ

9-саҳифа

QISSADAN HISSA

КИЙИК БИЛАН ШЕР

Одамдан кўрқиб горга қочиб кирган Кийик Шер чангалига тушди. Улими олдидан Кийик афсус-надомат ила:

— Шер чангалига тушишимни билганимда одамдан қочармидим?! — деди.

Қиссадан ҳисса: кичик хавфдан қочиб катта балоларга йўлиқишнинг олдини олиш маслаҳатдир.

«Лукмон масаллари»дан

Республика Бош прокуратураси жамоаси жиноятларни тергов қилиш бошқармасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси Абдуҳамид Имомовга отаси Аҳмадали ИММОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.